

# Республика кимё олимпиадаси: Рўйхатдан ўтиш очиқ!

// 30.01.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/respublika-kimyo-olimpiadasi-ruyhatdan-utish-ochiq>

# Kimyo Girls



## Respublika olimpiadasi

Ishtirok etish uchun  
ro'yhatdan o'ting

*\*ro'yhatdan o'tish 29.01 dan 19.02 gacha*

Азиз ОТМ талаба қизлари, бўлажак кимёгарлар!

Биз мамнуният билан Республика "Kimyo Girls" олимпиадасига иштирокчилар учун қабул очилганини эълон қиламиз!

19 феврал: Олимпиадада иштирок этиш учун рўйхатдан ўтишнинг сўнгги куни. Сизни бу ажойиб лойиҳанинг қисми бўлишга чорлаймиз.

Илм-фан оламида ўз изингизни қолдириш имкониятини қўлдан бой берманг!

Иштирокчилар: Республика бўйлаб ОТМ талаба қизлари!

Бу дунёнинг турли бурчакларидан келган тенгдошлар билан кимёвий салоҳиятингизни намойиш қилиш, билим ва илҳом алмашиш учун бетакрор имкониятдир.

Рўйхатдан ўтиш ва батафсил маълумот учун: [kimyo-girls.uz](http://kimyo-girls.uz)

Ўз истеъдодларингизни кашф этинг ва илм-фан соҳасидаги аёлларнинг глобал ҳамжамиятига аъзо бўлинг!

Кимё тарихида из қолдириш имкониятини қўлдан бой берманг.

**Д.И.Мендеелев номидаги Россия кимё-технологиялари университети Тошкент филиали**  
**Матбуот хизмати**